

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Саидова Нигора Олимовна

Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси
Фаргона давлат университети.

Рустамова Шоҳсанам Шуҳратжон кизи
Мактабгача таълим йуналиши талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактабгача ёшдаги болаларда математик тушиунчаларни шакллантиришининг замонавий технологиялари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Калим сўзлар: Элементар, метод, математика, фаолият, материал, кичик гурӯҳ, дидактика, ўйин, тасаввур

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются современные технологии формирования математических представлений у дошкольников.

Ключевые слова: Элементарный, метод, математика, деятельность, материал, малая группа, дидактика, игра, воображение.

ABSTRACT

This article discusses modern technologies for the formation of mathematical representations in preschoolers.

Keywords: Elementary, method, mathematics, activity, material, small group, didactics, play, imagination.

КИРИШ

Элементар математик тасаввурларни шакллантиришда амалий метод етакчи метод ҳисобланади. Унинг моҳияти болаларнинг буюмлар ёки уларнинг ўрнини босувчилар (тасвирлар, график расмлар, моделлар ва х. к.) билан ишлашнинг жиддий аниқланган усулларини ўзлаштиришгай йўналтирилган амалий фаолиятларини ташкил қилишдан иборат.

Мазкур усул маҳсус машқлардан фойдаланишни назарда тутади. Бу машқлар кўрсатиш учун белгиланган материал шаклида, ташкил қилиниши ёки

тарқатма материал билан мустақил иш кўринишида топшириқ шаклида берилиши мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Машқлар ҳамма болалар бир вақтда ёки битта бола доска ёки тарбиячининг столи олдида бажарадиган якка тарзда бўлиши мумкин. Ҳамма болалар бажарадиган машқлардан билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашдан ташқари, назорат қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Якка-якка тарзда бажариладиган машқлар ҳам ўша вазифаларни бажаради-ю, аммо улар болалар фаолиятида йўналиш оладиган образ (намуна) сифатида ҳам хизмат қиласиди. Улар орасидаги боғланишлар вазифаларининг умумийлиги билангина эмас, балки доимо алмашиниб келиши, қонуний равишда бир-бирларининг ўрнини босиши билан ҳам аниқланади.

Ҳамма ёшдаги групхларда бажариладиган машқлар ўйин элементлари кичик групхда — сюрприз момент кўринишида, ўхшаш харакатлар, эртак қаҳрамони ва ҳ. к. дан иборат бўлади. Катта групхларда бундай машқлар изланиш, мусобака характеристини олади.

Машқлар болаларнинг ёшига қараб қийинлаштириб борилади. Улар бир неча бўғинлардан ташкил топади. Ўқув-билиш мазмунига оид ўйин-машқлар муаммо шаклида эмас, кўпчилик ҳолларда, уларни бажариш учун тасаввур бўйича харакат қилиш, топқирликни намойиш қилиш, ақллиликни кўрсатиш талаб қилинади.

Масалан:

Тарбиячи кичик групхдаги болалардан ҳар қайси қуённи сабзи билан сийлашни таклиф қиласиди.

Катта групхдан болалардан эса, доскага осиб қўйилган карточкадаги доирачалар нечталигини айтишни, групх хонасидан худди шунча буюм топишни, карточкадаги доиралар миқдори билан групхдаги буюмлар миқдори тенг эканини исботлашни таклиф қиласиди. Агар биринчи ҳолда машқ шартли ажратилган битта бўғиндан иборат бўлса, иккинчи ҳолда 3 та бўғиндан иборат бўлади.


Комплекс машқлар энг самаралидир, чунки, улар дастурнинг ҳар хил бўлимларига доир масалаларни бир вақтда бир-бири билан таркибан бирга ҳал қилиш имконини беради.

Болаларнинг ёши катталashiши билан машқларни бажаришдаги мустақилларни ортади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилувчи ва йўналтирувчи оғзаки кўрсатмалар,

тушунтиришлар, ойдинлаштиришлар роли орта боради. Болалар топшириқни, машқни бажарғанларидан кейин ўз ҳаракатларини ва ўртоқларининг ҳаракатларини, ўзини-ўзи ва ўзаро текширишни ўрганадилар. Элементар математик тасаввурларни шакллантиришда ўша ўқитишнинг мустақил усули сифатида намоён бўлади. Аммо уни амалий усуллар гурухига киритиш ҳам мумкин. Бунда ҳар хил ўйинларнинг, ҳар хил амалий ҳаракатларнинг, масалан, қисмлардан бутун тузиш, шакллар қаторлари, саноқ, устига ва ёнига қўйиш, гурухлаш, умумлаштириш, таққослаш каби ҳаракатларни ўзлаштиришдаги алоҳида аҳамияти ҳисобга олинади.

Дидактик ўйинлардан энг кўп фойдаланилади. Бола билиш мазмунини ўйин шаклига кирган ўргатувчи масалани (ўйин мазмунида), ўйин ҳаракатлари ва қоидалари олдиндан назарда тутилмаган ҳолда ўзлаштиради. Дидактик ўйинларнинг ҳамма тури (буюмли, столда ўйналадиган босма ва оғзаки турлари) элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг самарали восита ва усуллариdir. Буюмли ва оғзаки ўйинлар математика машғулотларида ва улардан ташқарида ўтказилади, столда ўйналадиган— босма ўйинлар одатда машғулотдан бўш вақтларда ўтказилади.

Ҳаракатли усуллар ва уларга мос тасаввурлар шаклидаги билимларни болалар машғулотдан ташкари вақтда олади, ўйинлар (сюжетли —дидактик, дидактик ва бошқа хил ўйинлар) да эса шу билимларни аниқлаштириш, мустаҳкамлаш, системалаштириш учун яхши шароитлар яратилади.



ХУЛОСА

Элементар математик тасаввурларни ўргатиш ва шакллантириш методи машғулотларда ҳар хил турдага ўйинлардан, унинг алоҳида элементларидан (сюжетли-ролли, ҳаракатли ва б.), усулларидан (сюрприз момент, мусобақа, излаш), ўйин ва дидактик бошланишларни катталарнинг раҳбарлик ва ўргатувчи роли ҳамда болаларнинг билимини фаоллаштиришни таркибан бирга қўшиб олиб боришдан фойдаланишни назарда тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Абдуллаева С. 6-7 ёшли болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлик даражасини аниқлашда тест усулидан фойдаланиш. // «Мактабгача таълим», 2002, 1-сон. –10-12-б.
2. Алимов Н. Мактабгача ёшдаги болаларни математик таълимга тайёрлаш. // «Мактабгача таълим», 2005, 2-сон. –7-10 б.
3. Жумаев М. Болаларда математик тушунчаларни ривожлантириш назарияси ва методикаси. – Т.: «Илм Зиё», 2005. –223- б.